

ХЎШБОҚ БАХШИ МАРДОНАҚУЛ ЎҒЛИ

Турсунов Жамшид Абдураимович

Термиз давлат университети “Муסיқа таълими” кафедраси ўқитувчиси

Аннотация. Ушбу мақолада “Хўшбоқ бахши Мардонакул ўғли” мавзуси асосида етарлича ёритиб беришга ҳаракат қилинди.

Калит сўзлар: муסיқа, санъат, маросим, санъаткор, Тантана, мерос, оғзаки, маданият, ижод, халқ.

Аннотация. В данной статье предпринята попытка достаточно осветить тему «Хошбок Бахши Мардонакул оглы».

Ключевые слова: Музыка, искусство, ритуал, художник, праздник, наследие, устное, культура, творчество, народ.

Annotation. In this article, an attempt was made to sufficiently illuminate the topic of "Khoshbok Bakhshi Mardonakul Oglu".

Keywords: Music, art, ritual, artist, celebration, heritage, oral, culture, creativity, people.

XXI аср дунё миқёсида маданият ва маърифат соҳалари ҳам кенг қулоч отиб тараққий этмоқда. Инчунин, халқ оғзаки ижодига ҳам қарашлар, кизиқишлар ўзгарди. Айниқса, бизнинг Ўзбекистонимизда бу борада ибрат олгулик ишлар амалга оширилди. Президент Ш. Мирзиёев ташаббусларининг самарасини айтмайсизми?! Термиз шаҳрида бахшилар мактабининг янгидан қурилиши, муסיқа ва санъат мактабларида бахшичилик гуруҳларининг барпо этилиши, халқ ижодига бўлган янгича қарашлар маҳсулидир. Ҳар икки йилда бир марта халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида фармон-ку, нур устига нур бўлди.

Шунга таянган ҳолда мамлакатимизда фольклор ва халқ оғзаки ижоди соҳасидаги устоз-шоғирдлик анъаналари тарихини синчиклаб ўрганиш, бахшилар ҳаёти ва ижодий фаолиятини кенг ёритиш зарурати ҳам туғилди. Шунга кўра, ёзувларимизда Ўзбекистон халқ бахшиси Хўшбоқ Мардонакул ўғли ҳаёти ва ижодини ҳам қаламга олдик. Бахши 1940 йил 25 декабрда Шеробод туманидаги Азон қишлоғида бахши-шоир Мардонакул Авлиёқул ўғли хонадонидан дунёга келди. У болалигидан отаси билан ҳар хил маросимларда бирга қатнашиб, падари бузрукворининг айтган терма, дostonларини ўрганиб, кези келган-да отасининг дўмбирасини қўлига олиб чертиб, калта-калта қўшиқ айтиб юрарди. Бахшичилик қонида бор эмасми, тезда тингловчи-томошабинлар кўзига ташлана бошлади. Шу билан бир қаторда қишлоғидаги мактабда таълим оларди. Ўн йилликни тугатиб, маълум муддат жамоа хўжалигидаги мактаб-маориф шохобчаларида меҳнат қилди.

Аммо бахшичилик иқтидори қалбини тинч қўймасди. Ниҳоят бахшичилик санъатига бўлган иштиёқ уни Тошкент давлат маданий-оқартув техникумига етаклади. Бу санъат даргоҳида 1963-1966 йиллари ўқиб, туғилиб ўсган туманининг маданият бўлимига ишга келди. Шу билан бир қаторда Хўшбоқ Термиз давлат педагогика институти (ҳозирги ТерДУда, 1968-1973

йиллар) филология факультетида сиртдан таҳсил олди. Мактабларда тил-адабиёт фани бўйича ўқувчиларга сабоқ берди. Айни пайтда туман маданият бўлимида бахшичилик санъати бўйича фаолият олиб бориб ўз касбининг устаси бўлиб етишди. От ўрнини той босар деганларидек, ота-боболари, тоғалари изидан бориб, машхур бахши бўлиб етишди, Ўзбекистон халқ бахшиси деган унвонга сазовор бўлди.

Хўшбоқ бахши репертуарида ўттизга яқин дostonлар бор. Бахши "Зарнигор", "Сувнори", "Олтин қобок", "Малла савдогар", "Сулувхон" каби бир қанча дostonларни қўлёзма қилиб Ўзбекистон Фанлар Академиясининг фольклоршунослик бўлимига, академик Тўра Мирзаевга топширди. Шунингдек, 1999 йили ЮНЕСКО ташаббуси билан "Алпомиш" эпосининг 1000 йиллиги нишонланишида филология фанлари номзоди, фольклоршунос олим Тоштемир Турдиев Хўшбоқ бахшидан "Алпомиш"нинг Сурхондарё вариантыни ёзиб олиб, ўн минг нусхада чоп эттирди, шундан сўнг, қайта нашрга тайёрлаб, 1000 нусхада нашр эттирилди. 2009 йили "Кўнглинг ўзга бўлмасин" назмий ҳикоялар тўплами 2000 нусхада "Насаф" нашриётида чоп этилди, "Ўзбек халқ мақоллари" (шарҳлар) китоби ("Ноширлик ёғдуси". Тошкент, 2019.) 800 нусхада чоп этилди. Шунинг билан бир қаторда бахши ўзбек халқ мақоллари, ўзбек халқ эртаклари, Ҳазрат Хожа Аҳмад Яссавий ҳикматларига шарҳ китоби ҳам тайёрланди ва 92 бовли ўзбек уруғлари Кўнғирот уруғининг шажарасига шарҳлар ёзиб, Ўзбекистон Мусулмонлари диний идорасига топширган. Бу қўлёзмалар асосида илмий ишлар қилинмоқда.

Хўшбоқ Мардонакул ўғли ўзбек бахшичилик санъатининг анъанавий устоз-шогирдлик борасида ҳам бобоси Шерна шоир ва отаси Мардонакул бахшига тортган. Сурхон ва Қашқадарё воҳаларида жўшиб ижод қилаётган кўплаб бахшиларга устозлик қилган. Айниқса, Ўзбекистон халқ бахшилари Боборайим Маматмуродов (марҳум), Шоберди Болтаев, Абдуназар Поёнов, Шодмон Хўжамбердиев, шунингдек, Омондават Шерназаров, Зулхумор Шерназарова, Панжи Тожиев, Сафар Поёнов (бу рўйхат чўзилиши мумкин) сингари шогирдлари бутунги кунда жўшқин ижод қилиб, эл-халқ назарига тушмоқда. Бахши ҳар қандай давра-ю йиғинларда шогирдларининг фаол иштирок этаётганлигидан мамнун. Шогирдлари ҳам устозининг иззат-ҳурматини жойига қўймоқда. Эслашиб, излашиб турадилар. Бахшининг хонадониди бўлсангиз, ҳақиқий ўзбекона муҳитга тушиб қоласиз. Ҳовли-жойлари ҳам оддийгина, худди муомалалари каби.

Шоир ҳамisha ижод билан машғул. Қўлида ручка, мўъжазгина столи устида китоб, дафтар, қоғозлар. Маърифат-маънавият қалбидан доим нур таратиб тургандай. У зотга барқарор, бардавом ижодни табиат ҳамisha инъом этгандай. Демакки, шогирдлари ён-берида ғуж-ғуж бўлаверади. Бахшининг ўтмишига яна бир разм соламиз. Хўшбоқ болалигидан бошлаб терма, дoston айтиб улғайди. Мактаб, техникум, олий даргоҳ, меҳнатнинг турли жабҳаларида ишлаш, жуфти ҳалоли билан ҳаёт кечириш, унинг покиза

захмати иштирокида фарзандлар тарбияси, уларнинг униб-ўсиши бахшининг руҳини янада тетиклаштирмоқда. Бир суҳбатидаги ҳикоясини айнан баён қиламиз. Бахши 1968 йили Шерободнинг Сўхта қишлоғидан Тоштемир исмли одамнинг Ойхол деган қизи билан турмуш куради. Улар уч ўғил (Саидмурод, Жўрабек, Отабек), беш қиз (Гулноз, Лола, Моҳи, Қизларбас, Дилафрўз)ни оқ ювиб, оқ тараб, тарбиялаб, вояга етказди. Тўнғич ўғли Саидмурод отаси ва бобоси йўлидан бориб бахши бўлиб етишди. У бахшичилик бўйича кўп синовлардан ўтди. Саидмурод чин берилиб айтганда, дўмбирасининг куйига, овозининг тиниқлигига тингловчилар қойил қолишарди. Қизиқ дунё, бу сулоланинг қонида бахшичилик бўлгани билан, Саидмуродда ирсиятдан бор, аммо иккала кичик ўғиллари Жўрабек билан Отабекда бу қобилият ва қизиқиш йўқ.

Лекин Отабекнинг етти яшар Шаҳзодбек исмли ўғли боболарининг изидан бориб, дўмбира чертиб, кўшиқ хиргойи қила бошлаган. Бобоси унга ўзига мосгина кичгина дўмбирача ясаб берган. Мухлислар ҳам шу мурғаккина бўлажак бахшига хайрли йўл тилаб, дуодалар, албатта. Хўшбоқ бахши Мардонакул ўғли — пиру бадавлат инсон. Ёши саксонга етса ҳам, ўзи истиқомат қилаётган туман, вилоят, ҳатто республика ҳудудларидаги ижодкор созанда-ю бахшиларга самимий маслаҳатларини, бахшичилик ижодининг назарий билимларини, дўмбира чалиш маҳоратини ўрганиб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. <https://kh-davron.uz/tag/xoshboq-baxshi-mardonaqul-ogli>
2. Вызго Т. Музыкальные инструменты Средней Азии. - М., 1980, 15-бет.
3. Bekzod Bahrom O'G'Li Choriyev (2022). O'zbekistonda xalq cholg'ularining takomillashuv jarayonlari hamda ko'p ovozli orkestr va ansambllarning tashkil topishi. Science and Education, 3 (4), 776-780.
4. URL:<https://cyberleninka.ru/article/n/o-zbekistonda-xalq-cholg-ularining-takomillashuv-jarayonlari-hamda-ko-p-ovozli-orkestr-va-ansambllarning-tashkil-topishi>
5. Boboramazonovich, K. O. (2022). CHARACTERISTICS OF THE PERFORMANCE OF PEOPLE IN ALLAH, LAPARS, SPEECH IN THE SURKHAN VOLUME. ТАЪЛИМ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАҲЛИЛИ ОНЛАЙН ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ, 95-102.
6. URL: <http://www.sciencebox.uz/index.php/ajed/article/view/1517>
7. <https://ru.wikipedia.org/wiki/>